



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/4/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинава Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

Султанходжаев Р. Жинойтчиликка қарши кураш чоралари тизимида жинойтчиликнинг олдини олиш тушунчаси	153
Tashimov N. Chizma geometriya fanini o'qitishda talabalarining mustaqil bilish faolligini rivojlantirish modeli	156
Turolova L. Og'zaki va yozma nutq amaliyotida til o'rganishning ahamiyati.....	158
Хайтова Ю. Олий таълимда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик тизими	161
Хайитов Н. Дунёдаги хитой диаспорасининг бугунги ҳолати.....	164
Хайруллаева Н. Биология дарсларида 3D технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш	168
Xamidova G. Maktabgacha yoshdagi bolalar ijodiy va intellektual qobiliyatini rivojlantirish mexanizmlari	171
Xasanova G. Jamiyatda tarbiyachi modelini yaratishning ijtimoiy pedagogik asoslari	174
Xonnazarova M. Mediateknologiyalar asosida zoologiya fanlarini o'qitishning didaktik ta'minoti.....	177
Худайназаров А. Ёшларни ижтимоий-маънавий ҳаётда фаоллигини оширишнинг устувор вазифалари	181
Xudayberganov S. O'zbekiston respublikasida xorijiy hamkorlikning huquqiy asoslari (Xorazm viloyati misolida)	185
Xo'jaaxmatova Q. Tibbiyot talabalariga ingliz tilini o'qitishda zamonaviy innovatsion texnologiyalardan foydalanish	188
Xo'jayev A., Raxmatov A. Matematika fanini o'qitishda mobil ilovalarning o'rni	191
Chariyeva Z. Creating a good atmosphere in a class	194
Shaxobidinov V., Alimov U., Bedilov O., Pyasov B. Ofitserning pedagogik mahorati	197
Эргашев А. Олий таълим тизимида “ионлаштирувчи нурланишлар” мавзусини модуль тизимида ўқитиш усуллари	200
Эргашев И, Рузиев Ж., Абдуллаев Б. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш масалалари	204
Филология	
Абдусаматов З. Сравнительный анализ фразеологических единиц с особенностями наименования в английском и узбекском языках.....	211
Аззамов Ю. Гастрономия соҳаси терминологиясининг ўзига хос хусусиятлари.....	215
Бекташева Г. Жадид адабиётшунослигига муносабат ва фикрлар хилма- хиллиги	218
Бозоров О. Эпистоляр романларнинг тадрижий тараққиёти.....	222
Буранова Б. Топонимлар таржимасида лексик трансформациядан ижодий фойдаланиш	226
Valieva N. Xitoy tili frazeologik birliklarida “喜” “quvonch” freymi.....	229
G'ulomova N. Alisher Navoiyning “Badoye' ul-vasat” devoni g'azallarini grammatik teglash xususiyatlari	233
Гулямова Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида монологик дискурснинг тасниф этилиши	237
Имяминова Ш., Хафизов Ф. Шарқ ғазалларига ғарбона оҳанг.....	241
Inomjonova S. Bolalar kitobxonligini rivojlantirishda fantastik asarlardan foydalanishning ahamiyati.....	245
Irgasheva Sh. Kompyuter diskursdagi neologizmlarning tarjima qilish xususiyatlari	247
Исматуллаева Н. Боқиев А. Синхрон таржимонликда мнемотехниканинг қўлланилиши хусусида	252
Kadirova L. Jamoa sport turlaridan biri – futbol terminologiyasining morfologik va sintaktik tuzilishi.....	255
Каримова Ш. Замонавий ўзбек шеърларида эпифоранинг бадий вазифалари	258
Qayumov S. Portrait genre in the works of the artist Malik Nabiev.....	261
Қорабоев Ж., Шокиров Ш. Ўзбек тилида “Мардлик” концептини прагматик хусусиятлари	263
Мавлянова Т. Проблема перевода средневековой классики и его соответствия оригиналу	266
Mamadaliyeva S. Chet el va o'zbek adabiyotida publitsistik xatlar va badiiy maktublarning uzviyligi	269
Mashrapova G. Romantik dostonlar sujeti va safar motivi.....	271
Набиева Г. “Шум бола” асари таржималарида лингвокультурологик муаммолар тадқиқи	274
Nazarov B, Xolmanova Z. O'zbek tilidagi o'z qatlam va o'zlashgan qatlamli biologiya terminlari	278
Нуритдинова Р. Фейллардан антропонимлар ясалиши ва уларнинг лексик-семантик таҳлили	282
Ruzimurodova F. Badiiy asar tahlili xususida ayrim mulohazalar	285
Sadikov E. Til o'qitishda pragmatika masalalari: ta'riflar, tanqidlar, tahlillar va talqinlar	288
Сувонов З. Бадий матн лингвистик экспертизасининг зарурати	291
Турабоева С. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ахлоқий қадриятларнинг қиёсий-ассоциатив тавсифи.....	294
Турдибеков М. Жой номлари этимологияси: Сўғд вилояти аҳоли яшаш пунктлари номлари мисолида	297
Umirzoqova N. Ingliz va o'zbek tillarida lingvistik metrologiyaning asoslari.....	300
Xasanova A.,Eskaraeva G. National and cultural aspects of phraseological units of russian and uzbek languages	303
Халимова М. Бош соматизмининг семантик структураси ва уни қавм бўлмаган тилларда қайта яратиш ...	306
Чўлиева Н. Қисса жанрида замон ва макон (хронотоп)	310
Эгамқулова Н. Вактли матбуот ва адабий-эстетик тафаккур ривожини (1906-1917 йиллар ўзбек вактли матбуоти мисолида)	314
Eshkobilova F. The functions of colour terms as an adjective	318
Юсупова Ш. Динга оид терминларнинг семантик хусусиятлари.....	321



Ситора ТУРАБОЕВА,
Тошкент тиббиёт Академияси ўқитувчиси
E-mail: torasitora139@gmail.com

ЎзМУ доценти И.К. Ўсаров тақризи асосида

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-АССОЦИАТИВ ТАВСИФИ Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек тилидаги ахлоқий қадриятларни бидирувчи концептнинг қиёсий тадқиқи, хусусан, икки тил ходисалари таҳлили орқали шарқ ва ғарб тамаддунининг ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятларининг тавсифи ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, лингвокультурологик бирликларни таржима қилишда адекватлик ва эквивалентлик тамойилларидан келиб чиқиб ёндашиш бўйича илмий асосларга эга бўлган тавсия ва таклифлар берилади.

Калит сўзлар: лингвокультурология, ахлоқий қадриятлар, концепт, қиёсий-ассоциатив, лингвомаънавийшунослик, вербал ва невербал воситалар, семантик, синтактик.

СРАВНИТЕЛЬНО-АССОЦИАТИВНОЕ ОПИСАНИЕ ПРАВСТВЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация

В статье рассматривается сравнительное исследование концепта экономики в английском и узбекском языках, в частности восточных и штамповых изменений, в которых фиксируются билингвальные явления. Также даются полезные рекомендации и предложения по основам разработки подходов к переводу лингвокультурных единиц на основе принципов адекватности и эквивалентности.

Ключевые слова: лингвокультурология, нравственные ценности, концепт, сравнительно-ассоциативный, языково-духовный, вербальные и невербальные средства, семантический, синтаксический.

COMPARATIVE-ASSOCIATIVE DESCRIPTION OF MORAL VALUES IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Annotation

The article discusses a comparative study of the concept of economies in English and Uzbek, in particular the Oriental and stamp changes in which bilingual events are recorded. It also provides useful recommendations and suggestions on the basics of developing approaches to the translation of linguocultural units based on the principles of adequacy and equivalence.

Keywords: linguoculturology, moral values, concept, comparative-associative, linguistic-spiritual, verbal and nonverbal means, semantic, syntactic.

Кириш. Лингвокультурология фан ва илм соҳаси сифатида жуда чуқур ва кенг камровли илдишларга эга бўлганлиги сабабли, унга тегишли барча лисоний ва нолисоний элементларнинг коммуникатив хусусиятларини очиб бериш, ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятларини тадқиқ этишга тор ихтисосликда ёндашиш афзал кўрилади. Шу боисдан лингвокультурологиянинг барча вербал ва невербал таркибий қисмларини лингвомаънавийшунослик, лингвомамлакатшунослик каби тармоқлар ичида тавсифлаш самарали усул эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларни кайд этиш мумкин. Мақолада бевосита лингвомаънавийшуносликнинг моҳиятан ўзагини ташкил этувчи ахлоқий қадриятларнинг нутқимизда вербаллашуви ёки невербал воситалар ёрдамида коммуникация жараёнида юзага чиқишини ва уларга хос бўлган лисоний хусусиятларини ўзбек ва инглиз тилларидаги ахлоқий қадриятлар концептосферасига кирувчи лисоний бирликлар мисолида тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инглиз ва ўзбек тилидаги ахлоқий қадрият концептнинг қиёсий тадқиқи нафақат икки тил, балки шарқ ва ғарб тамаддунининг мазкур ихтисосликдаги ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятларини умумий планда тавсифлаш имконини ҳам беради. Табиийки, ўзбек ахлоқий қадриятларининг шаклланишида ислом дини, маҳаллий

этнос тарихи, урф одатлари, яшаш тарзи, умуман олганда, миллий-маданий ўзига хослигини кўрсатиб берувчи ҳар бир элемент муҳим аҳамиятга эга бўлса, инглиз ахлоқий қадриятлари ҳам неча минг йиллик шаклланиш йўли ва тадрижий босқичларига эга саналади. Шу маънода ахлоқий қадриятларнинг маданият эгалари томонидан тушуниладиган концептуал доираси ҳам фарқли ҳисобланади. Бу фарқлар ҳар иккала маданият вакилларининг турмуш тарзи ва ижтимоий яшаш қонуниятларидаги тафовутларида кўринади.

Ҳар икки тилда ҳам “Ахлоқий қадрият” концептнинг лисоний систем-структур моҳияти унинг таркибий қисмларини аниқлаш йўли билан очилади. Тарих фанлари номзоди, доцент Саодат Сулейманова “Маърифат” газетасининг 2017 йил сонидан берилган “Маънавият – инсон қадрининг мезонидир” мавзусидаги мақоласида “Ахлоқ” категориясининг таркиби ҳақида фикр юритар экан, унинг 180 дан ортик тушунчадан ташкил топишини айтади. П.Е.Матвеев муҳим ахлоқий қадриятлар сифатида эзгулик, бирлик ва озодликни ажратади[1]. А.И.Титаренко “Моральные сценности и личность” китобида инсон ахлоқий тутумларини ифодалайдиган дружба (дўстлик), свобода (озодлик), любовь (севги), добро (эзгулик), чест (виждон) тушунчаларини фарқлаган[1]. В.А.Кондрашов эса совесть (виждон), справедливость (адолат), единство (бирлик) тушунчаларини ажратиб кўрсатган[3]. “Мавзувий

фалсафий лугат⁷да эзгулик, бахт, адолат, севги таянч ахлокий тушунчалар сифатида белгиланган[4]. Г. Тожиева ўзининг “Ўзбек тилини “тил ва маънавий муштарақлиги” тамойили асосида тадқиқ қилиш масалалари” номли докторлик диссертациясида ўзбек тилидаги маънавий категорияси бирликларининг мавзувий сўзлиги юзасидан илова беради ва унда “ахлоқ” микросистемасига қирувчи 789 та тил бирлигини келтириб ўтади. Олиманинг келтирган таснифий гуруҳидан ўрин олган лексемалар сўз, тушунча ва концепт шаклидаги ахлокий кадрятларни ифода этувчи тил бирликларидан ташкил топади. Икки маданиятга тегишли ахлокий кадрятлар элементларини ўзаро таққослаш ва лингвистик хусусиятларини таҳлилга тортишдан олдин, ахлокий кадрят концептининг ўзини тавсифлаб кетиш мақсадга мувофиқ саналади. Инглиз тилида ахлоқ лексемасига семантик эквивалент сифатида moral лексемаси олинади.

Ахлоқ [a.— кишининг табиати] Муомала, хатти-харакат одоби. Аслини олганда, ахлоқ — маънавийнинг ўзаги. Газетадан. Раҳбар ахлоқидаги асосий нарса сўз ва иш бирлигини ўз фаолиятининг мазмунини деб билишдир. «Фан ва турмуш»[5].

Morals – principles of right or wrong behaviour that are generally accepted by a society. (Жамият томонидан тўғри ёки нотўғри деб қабул қилинган тамойиллар) The difference between Eastern and Western morals. Have morals - he has shown that he has no morals at all[6]. Moral standards/principles/values (Ахлокий стандартлар, тамойиллар, кадрятлар) our children's religious and moral education (фарзандларимизнинг диний ва ахлокий таълими)

Юқорида келтирилган изоҳларни муқояса қилиш баробарида шу нарса аниқлашдики, ҳар иккала тилда ҳам ахлоқ концепцияси жамият томонидан тўғри ёки нотўғри эмас деб қабул қилинувчи миллий-маданий хусусиятга эга бўлган қоидалар ҳисобланади ва ижтимоий кадрятлар негизда шаклланади. Жамият вакилларларининг ўзлари томонидан белгиланган ва ўрнатилган ахлоқ қоидаларига биноан сотсиумдаги шахслар хатти – ҳаракати ахлоқли, ахлоқсиз каби сифатлар билан баҳоланади, рағбатлантирилади ёки жазоланади. Ушбу лексемаларнинг изоҳли лугатда берилган таърифига диққат қаратсак, ўзбек тилидаги ахлоқ концептосфераси одоб, интизом, тарбия, тарбияли, тарбиясиз, бетарбия, бузук, беодоб каби бир систем-структур парадигма остида умумлаштирилувчи концептлар билан мазмуний алоқадорлик муносабатини номоев қилишини кўришимиз мумкин. (Изоҳга қарамиз.)

Ахлоқли Яхши тарбия кўрган; одобли, хушахлоқ. Ахлоқли бола. Ахлоқли қиз. мм Қишлоқ аҳли ишчан, ахлоқли. Шайхзода. Врачлик касбини бажаришда ҳам ахлоқ-кий омил хал қилувчи роль ўйнайди. «Фан ва турмуш».

Ахлоқсиз 1 Яхши тарбия кўрмаган, ахлоқ қоидаларига бўйсунмайдиган, интизомсиз. Ахлоқсиз бола.

2 Ахлоқи бузук, сутоғоёқ, фосик.

3 Одоб-ахлоқдан ташқари, одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқадиган, одоб нормаларига хилоф, беадаб. Ахлоқсиз хатти - ҳаракат. Ахлоқсиз гап.

Инглиз тилида ҳам morals концептининг сифатловчилари ёки аниқловчилари сифатида moral fibre, moral hazard, moral support, moral victory, moral imperative каби лексик бирикмалар мавжуд эканлигини кузатишимиз мумкин. Бу бирикмаларнинг семантик изоҳини таҳлил қилиш баробарида инглиз тилидаги морал лексемаси контекстда руҳиятга алоқадор мазмуний бирликларни ҳосил қилиш учун ҳам фойдаланилади деган хулосага келамиз. Масалан:

Moral victory - if you win a moral victory, you feel that you have shown you were right about something, even though someone else has officially won the argument. Расман кимдир ғолиб деб топилса-да, қарши томон ўзининг ҳақ эканлигини руҳан ҳис қилиши ва буни кўрсатиб қўйган вазият учун ишлатилади. Ўзбек тилида ҳам коммуникация жараёнида мана шундай нутқий вазият рўй берса-да, у алоҳида лексик бирлик билан номланмайди ва контекстни прагматик таҳлил қилиш орқали аниқланади. Баъзи контекстларда moral лексемаси ethics (этика) маъносига ҳам қўлланади.

Ахлокий кадрятлар бадий адабиётнинг ҳам муҳим мавзуси саналади. Шаҳс ахлокий тарбияси учун бевоқифа масъул бўлган дидактик адабиёт нафақат шарқда балки ғарбда ҳам ўзига хос типик хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради ҳамда ахлокий кадрятларни бадий образли ифодалаш учун хизмат қилади. Кадрятлар (инглиз тилида values) мустақил лексема сифатида худди ахлоқ лексемаси сингарини лексик эквивалентига эга бўлса-да, семантик ифода кўлами жиҳатидан маълум фарқларга эга саналади. Семема таркибидagi семада кадрланувчи, азиз, муқаддас каби маъно кирралари ифодаланувчи кадрят лексемасининг ўзбек тили изоҳли лугатдаги шакли куйидагича.

Кадрят [— киймат, аҳамият; кимматбаҳо буюмлар; халқ бойлиги]

Воқеликдаги муайян ходисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлокий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, масалан: эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар ва б. кадрят ҳисобланади. Аммо ошқоралик дегани хоҳлаган кимсанинг хоҳлаган пайтда кадрятларимизни оёғости қилиши дегани эмас. Газетадан. Бутун бир миллат[7].

Values – 1) the regard that something is held to deserve; the importance, worth, or usefulness of something. "your support is of great value". 2) the material or monetary worth of something. "prints seldom rise in value" (ABBYY Lingvo dictionary)

Ўзбек халқининг миллий ментал хусусиятлари ва ахлокий кадрятларига кўра ушбу жамият вакилларини ахлоқли ёки ахлоқсизга ажратиш ушбу концептосферага мансуб тушунча ва концептларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишни талаб этади. Ушбу жамиятда шахсни ахлоқли ёки ахлоқсиз сифатида белгилаш шахсни исломий кадрятлар негизда ётувчи савоб, гуноҳ, иймон, ҳалоллик, ҳаром, диёнат қабиларга, миллий-маданий хусусият ҳисобланувчи виждон, инсоф, яхшилик, ёмонлик, саховат, бурч қабиларга, дўстлик, бегоналик, ишқ, муҳаббат, севги, адолат, садоқат, душманлик, ҳурмат, яхшилик, ёмонлик, каби умуминсоний кадрятлар ва бу кадрятлар негизда шаклланган меъзонларга қай даражада амал қилиши ёки муносабат билдириши билан ўлчанади.

Юқорида санаб ўтилган исломий кадрятлар ҳисобланувчи савоб, гуноҳ, иймон, ҳалоллик, ҳаром, диёнат каби характер-хусусиятларни шахсга нисбатан қўллаганимизда диёнатли, диёнатсиз, ҳалол, ҳаром, иймонли, иймонсиз, гуноҳкор, савобталаб, савобли, бегуноҳ, иймони бутун, иймони заиф каби сифатловчиларнинг тилда воқеаланишига гувоҳ бўламиз. Уларнинг ҳар бири алоҳида концепт сифатида ўқшаш ва қарама – қарши парадигмалар асосида таҳлил қилинади ҳамда уларни инглиз тилига таржима қилиш уларга лингвокультурологик ҳодиса ҳисобланувчи реалия ёки лақуналар сифатида муносабатда бўлишни талаб этади. Таржима жараёнида ушбу бирликлар эквивалентсиз лексика сифатида олинади ва концептнинг семантик

маъносини дискурстан алоҳида олган ҳолда изоҳлашни талаб қилади. Келтириладиган изоҳлар асосида исломий қадриятлар ётади ва бу хусусият уларнинг концепт сифатида ана шу эътиқод эгалари когнитив онг остида тўлиқ тасаввур қилиниши мумкинлигини кўрсатади.

Хулоса ва тақлифлар. Ахлоқий қадриятлар жуда катта макросистемани ташкил этади ва лингвокультурологиянинг бир тармоғи ҳисобланувчи маънавиятшунослик таркибидаги макросистемаларнинг энг катта бўғинларидан бири ҳисобланади ва ўз таркибига инсонлараро, жамиятлараро, маданиятлараро муносабатларни олиб боришда муҳим ҳисобланган сўз,

тушунча ва концептсияларни камрайди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ахлоқий қадриятларни таҳлил этиш баробарида шу нарса англашиладики, бу тоифага мансуб лисоний бирликлар ҳар бир халқ ва тилнинг ўзига ҳос миллий-маданий хусусиятлари, ижтимоий нормалари, турмуш тарзи натижасида шаклланади. Шу маънода инглиз ва ўзбек тилидаги ахлоқий қадриятлар сифатида талкин этилувчи концепциялар ҳам ҳар бир тилда ўзига ҳос структур-семантик концептосферани намоён этади ва жамият ёки тил эгалари томонидан тушунилишида фарқларга эга саналади ҳамда бу тафовутлар киёсланганда яққолроқ кўринади.

АДАБИЁТЛАР

1. Матвеев П.Е. Моральные ценности: моногр. – Владимир: Владим. гос. ун-т, 2004. – 190 с.
2. Моральные ценности и личность / под. ред. А.И. Титаренко, Б.О. Николаичева. – М.: Изд-во МГУ, 1994. – 175 с.
3. Кондрашов В.А. Человек в мире моральных ценностей // http://samlib.ru/k/kondrashow_w_a/file1.shtml
4. Тематический философский словарь / Н.А. Некрасова, С.И. Некрасов, О. Г. Садикова. – М.: МГУ ПС (МИИТ), 2008. – http://thematic_philosophical.academic.ru/
5. O'zbek tilining izohli lug'ati. 1-jild. 144-bet. "O'ME" Davlat ilmiy nashryoti
6. Macmillan English dictionary. https://www.macmillandictionary.com/dictionary/british/moral_2#:~:text=plural%20principles%20of%20right%20or,generally%20accepted%20by%20a%20society
7. O'zbek tilining izohli lug'ati. 3-jild. "O'ME" Davlat ilmiy nashryoti
8. Graham, J., Haidt, J., & Nosek, B. a. (2009). Liberals and conservatives rely on different sets of moral foundations. *Journal of personality and social psychology*, 96(5), 1029–1046.